



# ЖАМИЯТ

№ 27 (753)  
2021 йил  
1 июль,  
Пайшанба

2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



[www.bong.uz](http://www.bong.uz)



[@jamiyatgzt@mail.ru](mailto:jamiyatgzt@mail.ru)



[t.me/bonguz1](https://t.me/bonguz1)

*«Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қадрлайман»*

Шавкат МИРЗИЁЕВ



**Ушбу сонда:**



**СВЕТОФОР-НИНГ**

**НОРХИ ҚАНЧА?**



**Ижтимоий шериклик**

жамиятнинг барқарорлиги, ривожланиши ва самарали иқтисодий тараққиёт омили



**Ким ҳақу, ким ноҳақ?**

**ҚИСКА САТРАЛДАРДА ЎҚИНГ!**

Халқ таълими тизимидаги 3 нафар мактаб ўқувчиси «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланди.



# Ижтимоий шериклик

жамиятнинг барқарорлиги, ривожланиши ва самарали иқтисодий тараққиёт омили

Фуқаролик жамияти куриш борасида жараёнлар такомиллашган сари ижтимоий муносабатларнинг турли кўринишлари вужудга кела бошлади. Хусусан, биринчи жаҳон урушидан кейин Европадаги бир қатор давлатларда фуқаролик жамияти тамойилларига хос бўлган ислохотлар ўтказилиши муносабати билан ижтимоий шериклик феномени пайдо бўлди. Жумладан, ижтимоий шериклик муносабатлари Германия Федератив Республикаси, Швеция, Италия, Франция каби давлатларнинг Конституция ва Қонунларида ўз ифодасини топди. Ижтимоий шериклик муносабатлари дастлаб иқтисодий соҳадаги иқтисодий муаммоларни бартараф этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уй-жой ва маиший муаммоларини ҳал этишда ўз аксини топган.



стон Республикасининг 30 та қонуни ва юздан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан мустаҳкамланган. “Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунга асосан давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларининг меъёрий-ҳуқуқий ва моддий-таш-

органи, иккинчи томондан эса — нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясига ўхшаш тузилмалар жойларда ҳам фаолият олиб бормоқда. Улар томонидан давлат субсидияси, давлат гранти, давлат

ислохотлар самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари энг чекка, олис ҳудудлар ҳаётига ҳам дадил кириб бораётгани, фуқароларнинг турмуш сифатини яхшилашга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органларига яқиндан қўмаклашаётгани диққатга сазовор, албатта.

Хулоса сифатида айтиш мумкин, демократик жамият шароитида ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тармоқ ва ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигини таъминлаш, минтақалар асосида, ҳудудлар қўламида ижтимоий-сиёсий вазиятни янада барқарорлаштириш, фуқароларнинг манфаатларини, хусусан уларнинг моддий шароитларини яхшилаш ва бошқа бир қатор ижтимоий муаммоларини ҳал этишда ҳокимият билан ҳамкорликни ташкил этишга қаратилган.

**Сарвар МАМАНОВ,**  
**Фаррух ФАХРИДДИНОВ,**  
Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Ҳудудий бўлиналар ва аъзолар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассислари

Фуқаролик жамияти ижтимоий муносабатларида ижтимоий шериклик ўзига хос ўрин тутди ва бирмунча мураккаб жараёнларни ўзида мужассам этади. Ижтимоий шерикликни турлича асосларда, ҳар нуқтаи назарлардан келиб чиққан ҳолда ифодалаш мумкин. Тор доридорада ижтимоий шериклик фақат меҳнатга оид муносабатларнинг алоҳида тури ҳисобланади. Кенг маънода эса у ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро махсус ҳамкорлиги бўлиб, турли соҳаларда, жумладан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий дастурларни амалга ошириш, ўзаро манфаатдор ҳамкорликка асосланган ижтимоий-ҳуқуқий жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда жамоат ташкилотлари иштирокини кенг таъминланишидир. Ижтимоий шериклик давлат билан фуқаролик жамияти баҳам-жиҳат фаолиятининг, унинг сиёсий тизими барқарорлигини таъминловчи муҳим жараёнлардан биридир. У жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг таркибий жиҳатларидан ҳисобланиб, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ижтимоий алоқаларни ифодаловчи муҳим воситадир. Ижтимоий шериклик ижтимоий жараёнларда давлат билан жамоат ташкилотларининг аниқ шериклик муносабатларини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга асосланган замонавий жараёндир.

Ижтимоий шериклик тизимида қуйидаги тамойиллар асосида ижтимоий муносабатлар юз беради:

- давлат ва жамият институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни демократик асосда мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қўмаклашади;

- томонларнинг шартнома муносабатларида ўзаро манфаатдорлик асосида иштирок

этиши борасидаги ўзига хос уйғун демократик тамойилларни рўёбга чиқаради;

- ижтимоий шериклик ва унда иштирок этадиган субъектларнинг ўзаро манфаатли муносабатларини таъминлаш баробарида қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга қатъий амал қилишлари таъминланади;

- ижтимоий шериклик билан боғлиқ масалалар ва муаммолар юзасидан доимий равишда ўзаро маслаҳат, фикр ва тажриба алмашишлар бўйича музокаралар ўтказилиб, ҳуқуқий маданият самарадорлиги ошади;

- ижтимоий шериклар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини амалда таъминланиб, ижтимоий масъулият ошиб боради;

- ижтимоий шериклик борасида қабул қилинган аҳдлар, битимлар, шартномалар ва қарорлар ижроси устидан доимий назорат таъминланади.

Жамиятимизда бугунги кунда катта ижобий ўзгаришлар, ривожланиш ва барқарор тараққиёт жараёни кетмоқда. Инсон манфаатлари учун ўта муҳим бўлган дастурлар ва чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин шундай шароитда ҳам жойларда бирмунча мураккабликлар, ислохотларни олиб боришга турли тўсиқлар ва ҳар хил муаммолар учрайди. Барқарор тараққиётга, ислохотлар йўлига тўғаноқ бўладиган иллатларни енгиб ўтиш, уларни бартараф этиш ва олдини олиб бориш жамиятда турли муҳим ижтимоий муносабатларни рўёбга чиқариш, давлат ва жамоатчилик институтларини ўртасида мустаҳкам алоқаларни таъминлаш муҳим бўлиб, бу жараёнда ижтимоий шериклик алоҳида ўрин тутди.

Ижтимоий шериклик соҳасидаги муносабатлар Ўзбеки-

**Нодавлат нотижорат ташкилотлари энг чекка, олис ҳудудлар ҳаётига ҳам дадил кириб бораётгани, фуқароларнинг турмуш сифатини яхшилашга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органларига яқиндан қўмаклашаётгани диққатга сазовор, албатта.**

килий механизмлари такомиллаштирилди ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга асосланган дастурлари, истиқболга мўлжалланган меъёрий ҳужжатларини тузиш ва ҳаётини амалиётини таъминлаш жараёнидаги ўрни мустаҳкамланди.

Мазкур қонуннинг 3-моддасида ижтимоий шерикликка қуйидагича таъриф келтирилган: “Ижтимоий шериклик — давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир”.

Қонунга мувофиқ ижтимоий шерикликнинг субъектлари сифатида, бир томондан давлат

ижтимоий буюртмаси ва уларни бериш орқали ижтимоий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш орқали жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топилмоқда. Грант танловлари жойларда, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари ва жамоат фондлари орқали ташкил қилиниши маҳаллий давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан самарали ижтимоий шериклик алоқаларини ўрнатиш борасидаги жараёнларни ташкил этади. Уларнинг фуқаролик жамияти институтлари томонидан кўтарилаётган турли хил муаммолардан хабардор бўлиб боришларига ва ушбу муаммоларни биргаликда ҳал этиш чораларини кўришга ёрдам беради.

“Нодавлат нотижорат ташкилоти” тушунчаси бугун юртимиз аҳолисининг кенг қатламига яхши таниш. Ҳозирги кунда фуқаролик жамияти ривожидида муҳим ўрин тутадиган мазкур институт ижтимоий-иқтисодий





## Умрга татигулик кун

**Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи бир умрга татигулик таассурот қолдирди. Эшикни очсам... рўпарамда муҳтарам Президентимиз турибдилар. Олий даражадаги ҳукумат вакили келишини билардим, аммо айнан Давлат раҳбарини меҳмон қиламиз деб, сира хаёлимга келтирмагандим.**

Ёлғиз онанинг ёлғиз фарзанди, эндигина 16 ёшга қираётган бўлишимга қарамай, ҳаётнинг паст-баланди, аччиқ-чучугини озми-кўп татиб кўрганим, ё бутун Ўзбекистон халқининг кўз ўнгида ўзига хос синовлардан ўтиб юрганим, кучли ҳиссий тўлқинларни кечириб бироз тобланганим учунми, ҳар қалай ўзимни қўлга олдим. Аммо барибир севимли Юртбошим қаршидаги кучли ҳаяжонни босиш осон бўлмади. Чунки “Ёш китобхон — 2018” кўрик-танловининг республика босқичидаги жонли эфир вақтида ёки Зулфия номидаги Давлат мукофотини қабул қилаётган онларимда туйган кучли ҳаяжонларим бунинг олдида арзимасган.... ҳолва эди-да. Ахир, юз йил яшагандай бундай олий даражадаги меҳмон билан, яна камтаргина хонадонингда ёнма-ён ўтириш, ярим соат суҳбат куриш кимгадир насиб қилади ё йўқ.

Бу мен учун тақдирнинг энг олий мукофоти эди.

Ўйлаётгандирсиз: “Ҳа, энди Президент совғаси — “Спарк”ни олгандан кейин... ҳар қандай қизалоқ ҳам ҳаяжонланади-да!”, деб. Аслида Давлат раҳбари билан ўз уйимда ярим соат суҳбат қурганим, оталарча меҳрини туйганим мен учун тарихий воқеа эди. Касалманд онаси “ҳам ота, ҳам она” бўлиб, танҳо фарзандини қўллаб-қувватлаган, истеъдодини рўёбга чиқариш учун қизининг китобларини ўз ҳисобидан нашр эттирган, бутун Ўзбекистон бўйлаб тадбирма-тадбир юрган, жигарбандининг ютуқларидан қувонган, муваффақиятсизликларидан қаттиқ қуяган бемор онанинг фарзанди бўлганларгина... менинг ўша пайтдаги аҳволимни чин дилдан англаб, юрак-юракдан ҳис эта олади.

Юртбошимга, чинакам халқ Президентига “Денов гулшани”, “Ўзбекистон қизиман” номли шеърини китобларимни тақдим этар эканман, севимли шоиримиз айтганидек, “Эгаси бор юртнинг эртаси бор”лигини, қутлуғ ташрифдан сўнг Сурхон воҳаси қай даражада гуллаб-яшнашини тасаввур қилдим ва Давлат раҳбарининг оталарча ғамхўрлиги, оддий инсонларга хос самимий меҳр-мурувватини ҳис этдим. Айниқса, муҳтарам Юртбошимизнинг “Худо берган шундай истеъдод ва қобилият билан, албатта, ҳамма ниятлар амалга ошиши, шубҳасиз”, деган юксак эътирофидан еру-қўкка сиғмай қувондим. Чунки бу бир менга эмас, бутун бошли миллат адабиёти ва барча ижод аҳлига қаратилаган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг ифодаси эди.

Хонадонимизга ташриф буюрган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов, Сурхондарё вилояти ҳоқими Тўра Боболов ва бошқа кўплаб юртдошларимнинг дил сўзларию самимий қутловларидан, менга ҳавас билан боқишларидан, қанчалик бошим кўкка етган бўлса, шунчалик катта масъулият юқини ҳам туйдим. Навоий бобомиз айтганларидек, “Осон эмас бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасига панжа урмоқ” бўлганидан кейин, одам бирдан улғайиб қолар, Она Ватанга, эл-юртга муносиб фарзанд бўлиш нақадар масъулиятли ва шарафли вазифа эканлигини тушунар экан. Бутун умримга татигулик кун қувончи менга шундай улкан сабоқ берди.

**Рухшона АБДУРАЗЗОҚОВА,  
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори,  
Термиз шаҳридаги Ҳаким Термизий номидаги 1-сонли ёш физик ва математиклар мактаб-интернати ўқувчиси**

## Бухоронинг мард ўғлони

30 июнь — Ёшлар кун муносабати билан Давлат раҳбарининг қарорига асосан Бухоро вилояти Қорақўл тумани халқаро математика мактабининг 9-синф ўқувчиси Анварбек Раҳматов “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланди.



Анварбек 2019 йилда Жанубий Африка давлатининг Дурбан шаҳрида бўлиб ўтган математика фани бўйича ИМС-2019 Халқаро олимпиадасида якка тартибда олтин, жамоавий ҳисобда бронза медалини қўлга киритган.

Озарбайжон давлатининг Боку шаҳрида ўтказилган “Истеъдодларни тайёрлаш лобараторияси” олимпиадасида математика, физика ва кимё фанларидан иштирок этиб, кумуш медалга сазовор бўлган.

Ўтган йили октябрь ойида математика фанидан ўтказилган “SEAMO” олимпиадасининг саралаш Республика босқичида олтин медални қўлга кирит-

ган. Жорий йилда эса у “Кўқон олимпиадаси”да юқори кўрсаткич билан голибликни қўлга киритди ва Нексия автомашинаси билан тақдирланди.

Ютуқлар бардавом бўлсин, Бухоронинг мард ўғлони Анварбек.

**Зариф КОМИЛОВ,  
ЎЗА**

## Сўз эркинлиги ортидаги “қаҳрамон”лар

**Сўз эркинлиги... Уни ким қандай истеъмоқ қилаётганлигини эса кўриб-билиб турибмиз. Ижтимоий тармоқларда баъзан сўзнинг қадр-қиммати оёқ ости бўлиб қолаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Ўйламай-нетмай ноўрин фикр, танқид билан чиқиб ижтимоий тармоқда “қаҳрамон”лик қилаётганлар кейинроқ узр сўраб чиқишларига ҳам ким ўз баҳосини бермоқда. “Битта узр сўраш билан ўтиб кетади”, деб ўйлаётган юртдошларимиз бутун бир ўзбек халқини, миллат ва Ватани дунёга шарманда қилиб қўяётганларини олдинроқ обдон ўйлаб кўришса, яхши бўларди.**

Хорижда бекорчиликданми, кўнгли “қаҳрамонлик” тусаган наманганлик бир “билимдон” Намангандаги Машраб кинотеатри ва ислом дини намояндалари ҳақида нима демоқчилигини ўзи ҳам билмаслиги узр сўраб чиқишдан яққол билинди-қолди... Айрим таниқли санъаткорларимизнинг ижтимоий тармоқдаги тентирашлари эса умуман ақлга сиғмайди. Улар шу мавқега эга бўлишида халқ турганлигини, бемаза гапларини яна шу юртдошларимиз кузатиши қаторида қўшни давлатдагилар ҳам кўриб-билиб турибди. Шундан кейин бошқа қардош халқ вакиллари билан биз ҳақимизда қандай тасаввурга эга бўлишлари соғлом фикрли ҳар қандай инсонни ташвишлантирмайдими?!

Эҳ, сўз эркинлиги ортидаги “ғаройиб қаҳрамон”ларнинг бари — юракдаги санчик: икки соф севишган йигит ва қизнинг оддийгина суҳбат жараёнларини видеога тушуриб ҳам ўзларича: “мана запалнинг зўри” деб “лайк” йиғаетганларнинг беъмани сўзлари асабларни ўйнайди. Уни кимга ово-

за қилиб, миллатни нега дунёга шарманда қилипсан, дейиш фурсати келмадимикин?! Яна шу тасвири қайсидир “You tube» даги “ақлли” алоҳида шарҳлашига нима бор?! Ўзича сўзамол! Аслидачи, СЎЗ қадрини билармикин бу ношуд?!

...Бугун сўз эркинлиги, деб оғизга келганини валақлайвермасдан мулоҳаза билан фикр юритишни ҳам ўрганайлик. Ўлмаган инсонни “ўлди” дейиш, кимнингдир шаънига, киндик қони тўкилган юртига қаратиб ноўрин тухмат тошларини отиш инсонийликнинг қайси тарозусига тўғри келади?! Қайсидир муаммони бартараф этиш учун сўз қудратидан фойдаланаётган муаллиф холислик масаласини ҳам унутмаслиги лозим. Эхтирослар билан оммани чалғитиш эмас, балки, ҳаётини тажриба, билимга суянган холда ҳар қандай муаммони кўтариб, унинг ечимини ҳақида фикр юритилса СЎЗ қадрини йўқолмайди. Қўлида қимматроқ телефон тутган киши бир икки муаммо ёки бировнинг шахсий ҳаётини кўтариб чиқиб ўзини “қаҳрамон”, “халқпарвар” қилиб кўрсатиш каби ҳолатлар савиямиз нечоғлигини билдириб қўймаптими?!

— Оммавий ахборот воситаларини тозалаш керак, — деди бир соҳа вакили. — Ўз соҳасини эплай олмаган киши учун паноҳ топадиган ҳамда ўзидан “юлдуз” ясайдиган маконга айланиб қолди. Сўз эркинлиги ортидан пайдо бўлаётган антиқа “қаҳрамон”ларни ҳаспўшлайдиган раҳбарларимиз ҳам топилаётганлиги эса ачинарлидир. Наҳотки, бу аянчли муаммони бартараф этадиган мутасаддилар бўлмаса!,- дея қуянди.

У аслида ҳам ҳақ. Ҳақиқатан ҳам биз қаерга қараб кетаяпмиз?! Оптимиздан кимларни эргаштирмаймиз?! Шаклланаётган янги авлодга СЎЗнинг қадр-қимматини шу тарзда сингдираёпмизми?!

**Одилжон МУҲАММАД,  
журналист**



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Жамият — ислоҳотлар ташаббускори” Давлат ижтимоий буюртмаси асосида тайёрланди.





# КИМ ҲАҚУ,

сохта гувоҳ, сохта имзо, сохта ҳужжат можароси

Бу савол Самарқанд туманидаги “Обод” маҳалласи аҳолисини узоқ йиллардан буён қийнаб келяпти.

Дунё эътиборидаги қадимий Самарқанд ва атрофидаги қишлоқларда азалдан маънавият, маданият юксалган, савдо ва ҳунармандчилик, тадбиркорлик ривожланган, одамларнинг турмуш тарзи ҳавас қиларли даражада бўлган. Самарқанд туманига қарашли “Обод” маҳалласи ана шу гўзал диёрнинг бир бўлаги. Бу маконда ҳаёт кечирган одамлар ҳам ҳаммаша ўз ҳудудларини обод маконга айлантиришга, тинч-тотув яшашга интилиб келишган. Аммо кейинги йилларда уларнинг аҳиллиги ва иноқлигига кўз тегди шекилли, бир-бирининг устидан арз қилиб, маҳаллага, ҳокимликка, ҳатто, суд идораларига бориб етишди.

Хўш, улар нимадан норози, нимага талашияпти, умуман, бу ерда ким ҳақу ким ноҳақ? Бу хусусда маҳалла, ҳокимлик қандай қарорга келган, суд ажримлари ҳақиқатнинг қарор топишига хизмат қилганми?



Афсуски, бу саволларга жавоб топиш мушкул. Сабаби, маҳалла оқсоқоллари қишлоқ аҳли ўртасида бошланган низонинг вақтида олдини олиш ўрнига томошабин бўлиб ўтиришган. Қолаверса, улар ўз муаммоларини ўз ҳудудда ҳал этиш лозимлигини тушуниб етишмаган. Туманнинг шу пайтдаги ҳокими Ботир Қодиров эса аввалига бу ерни ноқонуний эгаллаб олган фуқаронинг ҳатти-ҳаракатлари юзасидан судга даъво аризаси киритган. Кейинчалик эса айнан шу кишининг низоли ерга эгалик ҳуқуқи ҳақида қарорни имзолаган. Бу қарор қишлоқдошлар ўртасидаги низонинг ҳал этилишига, адолатнинг қарор топишига эмас, аксинча ҳолатга йўл очган.

Аввалига туман ҳокимининг даъво аризаси, кейин фуқаро Жумаевнинг мурожаати туфайли низоли ер юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туман судининг икки бор ажрими чиққан. Аммо бу ажримлар бир-бирига қарши. Шундай вазиятда эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатга ҳокимнинг имзо чекиши адолатдан эдимми?

Бу ҳақда ҳуқуқшунос Зафар Шарипов шундай фикр билдиради:

“Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 89-моддасида “Юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ер хусусидаги низолар суд томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади” дейилган. Бу маҳалладаги низоли масалани ҳал этиш учун эса туман ҳокимининг ўзи 2015 йилда судга даъво ариза билан мурожаат этган. Кейин эса ўзининг аввалги фикрига ўзи қарши бориб, ўша уй-жой масаласи судда тортишув бўлиб турган бир пайтда бошқа маҳаллада яшовчи Жумаев Ҳомид номига сохта ҳужжатларга асосан эгалик ҳуқуқи чиқариб берилган”.

Ҳуқуқшуноснинг фикрича, низолашадиган томонлар ҳақ-ҳуқуқлари фуқаролик судида эмас, маъмурий судда кўрилиши керак. Бу фикрини у Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекснинг 3-моддаси билан изоҳлайди:

“Ушбу моддада фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашадиган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал

этишда маъмурий суд ишларини юритишни амалга ошириш тартибига нисбатан татбиқ этилиши белгилаб қўйилган. Аммо олти ойлик тортишувлардан кейин маъмурий суд кўриши лозим бўлган бу низоли ишнинг фуқаролик суди томонидан қайта кўрилиши шубҳа уйғотади”.

Масалани янаям аниқлик киритиш учун “Обод” маҳалласидан 14 кишининг имзоси билан тахририятимизга йўлланган шикоят хатига эътибор қаратайлик:

“Мустақиллик йилларида, айниқса, кейинги 4-5 йилда мамлакатимизда аҳоли фаровонлиги йўлида катта ишлар қилинди. Бу, айниқса, маҳалла тизимида кўзга ташланди. Бизнинг маҳалламизда ҳам ободлаштириш ишларига эътибор берилаяпти-ю, аммо айрим маҳалладошларимизнинг баъзи ҳаракатлари, фақат ўзларини ўйлашлари, раҳбарларимизнинг эса бундай ишларга бефарқлиги одамларнинг кайфиятини бузмокда. Масалан, Абдуҳалим Жумаев деган фуқаро томорқамизга сув келадиган худудни ўзининг ҳовлисига қўшиб ўраб олган. У 2 сотих атрофидаги бу жойдан ўзбошимчалик билан молхона, тандирхона, ҳожатхона ва ҳаммом қуриб олган. Бизларга сув келадиган ариқни эса кўмиб юборган. Ҳозир кўпчилигимизнинг томорқамизга сув келмайди. Яна бир томони ичимлик суви келадиган қувур ҳам унинг эгаллаб олган жойида қолиб кетган. Ҳозир шу атрофда яшовчи 19 хонадон бир томон-у, ўзбошимча Абдуҳалим Жумаевнинг ўзи бир томон.

Аввалига туман ҳокимининг даъво аризаси, кейин фуқаро Жумаевнинг мурожаати туфайли низоли ер юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туман судининг икки бор ажрими чиққан. Аммо бу ажримлар бир-бирига қарши. Шундай вазиятда эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатга ҳокимнинг имзо чекиши адолатдан эдимми?

Бу ҳақда туман ҳокимлиги ва бошқа ташкилотларга арз қилдик. Аммо натижаси бўлмади. Ҳатто, улар Абдуҳалим Жумаевни қўллаб-қувватлашяпти ҳам. Бу иш судга ҳам бориб етди. Аммо бизнинг арзимизга қулоқ соладиган раҳбар топилмаяпти.

Аҳмедов Шариф, Ҳусенов Акмал, Ҳусенов Қобил, Рустамова Сарварой... 14 имзо.”

Қўлимиздаги шикоят хати юзасидан туман ҳокимлигида, “Обод” маҳалласида бўлди. Туман ҳокими билан телефон орқали бўлган қисқа мулоқотимиздан сўнг ҳоким ўринбосари Шавкат Ҳасанов ва маҳалла оқсоқоли Тоҳир Бурҳонов билан маҳалланинг ўзида бу ҳақдаги суҳбат давом этди. Кейин оқсоқол билан биргаликда маҳалланинг 14 аъзоси Абдуҳалим Жумаев томонидан ноқонуний эгаллаб олишда даъво қилинаётган худудга, аниқроғи, Жумаевлар хонадонига бордик. Аммо хонадон соҳибларининг уйда бўлмагани сабаб, ҳовлига кирмасдан, дарвоза олдида бироз кутдик.

Кунботарга қараган катта дарвоза. Унинг бир ёнида чойхона, иккинчи томонида сув минораси.

Маҳалла раисидан Тоҳир Бурҳоновдан булар ҳақида сўрасак, у сув минорасининг туман “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Самарқанд филиали ташкилоти балансида экани, минора атрофида муҳофаза худуди бўлиши шартлигини айтади.

— Унда Абдуҳалим Жумаев ҳовлисига олиб кириладиган йўл худуди кимга, қайси ташкилотга қарашли?

— Бу жойлар ҳам туман сув таъминоти ташкилоти тасарруфида. Қонунан олинганда бу ердан А.Жумаев ҳовлисига кириб-чиқиш мутлақо нотўғри. Мана бу чойхона ҳам бузилиши керак. Шикоятчилар даъво қилаётган ер ҳақиқатдан ҳам ушбу хонадон эгаси томонидан ноқонуний равишда қўшиб олинган. У жойда ҳожатхона, тандирхона, молхона қурилгани ҳам бор гап. Лекин А.Жумаевнинг қўлида ана шу ерга эгалик қилиш ҳақида туман ҳокимининг қарори бор. Низоли масала фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туман судида икки марта кўрилди. Қизиғи, бир суднинг, яна бир судьянинг бу масала ҳақида икки хил ажрим чиқаргани...

Маҳалла раисининг фикрлари охирига етмай, ўзини шу уйда яшовчи Холмурод Жумаев деб таништирган йигит суҳбатимизга қўшилди. Холмурод Абдуҳалим Жумаевнинг ўғли, Ҳомид Жумаевнинг набираси экан. У 1988 йилда туғилган, тадбиркорлик билан шуғулланар экан.

Афтидан Холмурод бошқалар билан муомала қилишга бироз нўноқроқ экан, шекилли, бирданига дағдағга ўтди.

— Суд, ҳокимлик кўриб чиққан бу ишга, мухбирнинг аралашшига нима ҳақи бор!?

**Маҳалла раиси билан биргаликда унга вазиятни, маҳалла вакилларининг тахририятга арз қилганини тушунтирдик. Аммо у ўз фикрида қолди. Билдикки, шикоят ёзган 14 киши бир томон-у, Холмуроднинг ўзи бир томон. Нима ҳам дердик, маҳалла, ҳокимлик, ҳатто, суд идоралари бобоси тарафида бўлганидан кейин у ҳам ўзини мутлақ ҳақ ҳисоблайди!**

Маҳалла раиси унга маданият, маънавият, муомала ҳақида насиҳат қилган бўлди. Мен эса бу масалада бетараф эканимни ўйлаб, журналистик суриштирувимни давом эттиришни ўйладим. Бунинг учун тарафларнинг фикрларини бирдек тинглашга, маҳалла ҳаётидаги ҳокимлигу суд эътиборини тортган муҳим масала бўйича тегишли идоралардан керакли ҳужжатларни йиғишга қарор қилдим ва бир неча кун мобайнида бу мақсадимга имкон қадар эришдим. Бундан ташқари, ҳар икки томон вакиллари билан суҳбатлашдим. Тўпланган ҳужжатлардан ва суҳбатдошлар фикрларидан маълум бўлдики, ҳозирги низоли ер аввал маҳалла аҳлига тегишли бўлган очиқ майдон бўлган. Уни айни пайтда “Қўшмачит” маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган Ҳомид Жумаев исмли фуқаро ана шу жойдаги ерга ноқонуний равишда қўшиб олган. Кейинчалик авлодлари Абдуҳалим ва Холмурод Жумаевларга ер мерос қолдирилган. Яхшиси, бу ҳақдаги фуқаролар фикрларининг айримлари ҳақида тўхталайлик:



# КИМ НОҲАҚ?

Сарварой РУСТАМОВА,  
маҳалла фуқароси:

— Маҳалламиздаги бу можаро узоқ йиллардан буён давом этапти. Газетага ёзилган шикоятларнинг тўғрилигини тасдиқлайман. Хайронман, ўзбошимчилик билан маҳалла аҳлига қарши бораётган бир фуқарони туман ҳокимию суд идоралари нега ҳимоясига олишяпти!? Аслида, бу идораларга тақдим қилинаётган ҳужжатлар қалбаки. Абдуҳалим Жумаевни қўллаб-қувватлаб унинг томонида бўлаётганлар нуфузли идораларни шундай қалбаки ҳужжатлар билан чалғитишмоқда.

Масалан, “Обод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Бурҳонов бошчилигида 2016 йилнинг август ойида тузилган далолатноманинг сохталлигига шу пайтга қадар ҳеч бир идора, бу ишга алоқадор бирор-бир мансабдор эътибор қаратмаган. Далолатномада тўрт кишининг исм-фамилияси келтирилган уларнинг имзолари ҳам бор. Ажабланарлиси, бу далолатномага менинг ҳам исм-фамилиямни киритишиб, имзомни сохталаштиришган.

Кейин билсам, Самарқанд тумани “Ермулкадастр” давлат корхонаси бошлиғи вази фасини бажарувчи Т.Шаропов ва корхона ходими С.Очилов томонидан 2016 йил 25 августда маҳалламизда ўтказилган текширишга “жалб этилган” эканман. Тузилган далолатномага имзомни қўйишган. Ҳатто, паспорт маълумотларимни ҳам кўрсатишган. Лекин қалбаки ҳужжат усталари шу ерда адашибди. Паспортим серия ва рақамини СЕ 1127208 деб кўрсатишган. Аслида эса АВ 0221690.

Далолатномада “Фуқаро Жумаев Ҳомиднинг ортиқча ери уй-жойи ичида жойлашган бўлиб, ҳеч кимга зарар ёки зиёни йўқ, кўча ҳудудида ва чегарадош ён қўшнилари ўртасида низо ёки келишмовчиликлар мавжуд эмаслигини ҳамда ер майдонидан 1964 йилдан буён, ҳалол, ошқора ва узлуксиз фойдаланиб, ер ва мол-мулк солиқларини ўз вақтида тўлаб келаётганини тасдиқлаймиз”, деган жумлалар бор. Наҳотки, улар ўзларининг бу нопок қилмишларининг ошқор бўлиб қолишдан кўрқиб қолганми?

Айтиш керакки, ана шу далолатнома туман ҳокими ва суд идораларини чалғитувчи асосий ҳужжат бўлиб қолган. Назаримда, бундай сохтакорларга қонуний жазо бериш керак.

Ҳақиқатдан ҳам, Сарварой Рустамова айтганидек, туман ҳокимининг “Даштиқиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Обод” маҳалласида жойлашган фуқаро Жумаев Ҳомиднинг ер участкаси ва бино-иншоотига бўлган мулк ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида қарори (2016 йил, 10 сентябрь, №2486-К) қабул қилинишида юқорида келтирилган сохта далолатнома асосий ҳужжатлардан бири бўлиб хизмат қилган.

Ҳа, Сарварой Рустамованинг куйинганича бор. Бу далолатномани кўздан кечирган киши, ҳатто, уни тузишда энг оддий қоидаларга ҳам риоя қилинмаганини англайди. Унда маҳалла раиси Т.Бурҳонов, қўшнилар — З.Норқулова, С.Рустамова ва яна бир имзо бор. Аммо учинчи имзо кимники эканлиги номаълум. Чунки имзо эгасининг исми-шарифи ёзилмаган. Охириги имзо эса уй-жой эгасига тегишли.

С.Рустамова далолатнома тузишда қатнашмагани, унинг номидан кимдир сохта имзо қўйгани кўриниб турибди. Учунчи имзонинг эса эгаси аниқ эмас. Наҳотки, бу сохталик туман ҳокимлигидаги ва адолат пешвоси бўлган суд идорасидаги мутасад-

**Бу маҳалла оқсоқоли томонидан тузилган сохта далолатномага яна бир қўшимча далил эмасми? Ана сизга Самарқанд туманида фуқаролар мурожаати ва ҳужжатлар билан ишлашга бўлган эътибор. Мамлакатимиз Президенти одамларнинг ҳаётдан розилигини таъминлашни муҳим масала қилиб қўйгани ҳақида бу ерда ҳатто ўйлаб ҳам кўрилмаганидан далолат бермайдими?**

диларнинг эътиборидан четда қолган бўлса?!

**Қўшни “Ангаролмас” маҳалласида яшовчи фуқаро Муртазо Субҳонов эса бу ер таърифини шундай изоҳлайди:**

— Собик “Ленин байроғи” колхозидан оддий деҳқон, кейинчалик звено бошлиғи, 40 йил бригада бошлиғи бўлиб ишладим. У пайтларда ҳозирги “Обод”, “Қўшмачит” ва “Ангаролмас” маҳаллалари битта маҳалла эди. Бригада бошлиғи бўлиб ишлаган пайтларим ҳозирги “Обод” маҳалладаги анча йиллардан буён низога сабаб бўлаётган жойлар колхоз ерлари эди. Колхоз правлениеси ундан қандай фойдаланиш, нима экиш кераклиги ҳақида менга айтар эди. Ўша пайтда сув танқислиги сабаб правление аъзоларининг кенгайтирилган йиғилишида артезиан қудуғи қазишга қарор қилиниб, кейин шунга эришилганди. Бу қудуқ сувидан колхоз ерларини сугоришда фойдаланилиб келинди. Кейинчалик колхозчиларнинг аризалари бўйича уларга ер ўлчаб берилган. Ҳозирги низоли ер атрофида ер ўлчаб берилганига шахсан гувоҳ бўлганман. Сув йўли учун эни 4 метр, узунлиги 42 метр бўлган ер қолдирилганди. Бу жой бир кишиники эмас, колхозники эди. Бу жойдан аҳоли томорқаси учун ариқ ўтганлигини, кейинги йилларда эса аввал колхозники, эндиликда маҳалланинг бўлган бу жойга ҳеч бир кишининг эга чиқишга ҳақи йўқ эди.

Аммо Жумаевлар томонидан ноқонуний равишда эгаллаб олинди. Сув йўлини улар ўз ҳовилларига қўшиб олишди ва унинг устидан ҳожатхона, молхона, тандирхона, ошхона қуришди. Афсус, уларнинг бу ҳаракати туман ҳокимлиги, суд идоралари томонидан маъқулланди. Туман ҳокими уларга ерга, мулкка эгалик ҳуқуқи бериш тўғрисида қарор чиқариб берди. Ҳокимлик дастлаб даъвогар сифатида Жумаевларнинг ишини нотўғри деб топиб судга берган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро суди аввалига Жумаевларнинг ноқонуний эгаллаган жойларини эски ҳолига қайтариш, яъни маҳалла ихтиёрига олиш тўғрисида ажрим чиқарди. Ажримни вилоят суди ҳам тасдиқлади. Аммо орадан кўп ўтмай Тойлоқ суди ўз ажримига ўзи қарши чиқиб, Жумаевлар ишини тўғри деб топди.

Колхоз давридан биламанки, ҳозирги низоли жойда Жумаевларнинг ҳеч қандай ҳақи йўқ. Уларнинг бутун маҳаллага қарши эканлиги, бу ҳаракатни туман ҳокимлиги, Тойлоқ туманлараро судининг қўллаб-қувватлаётганидан хайратга тушади, киши.

Бундай фикр билдирувчилар кўпчилик. Таҳририятга йўлланган шикоятга имзо чевувчиларнинг ҳаммаси низоли ер учун Жумаевга берилган эгалик ҳуқуқидан норози эканлигини билдиришди. Улар бу ҳақда тайёрланган ҳужжатларнинг сохта экани-ю, бу маҳалла раиси Т.Бурҳонов ва А.Жумаевнинг

“устакорлиги”, жиноий тил бириктириши оқибати эканлиги, туман ҳокимлиги ва суд идораларининг уларнинг найрангига лаққа тушганлигини айтишди.

Бу можаронинг бошланганига саккиз йилдан ошибди. Ана шу саккиз йилда туманда уч бор ҳоким алмашган. Қизиги, учала ҳокимнинг ҳам бу низоли можародан қабарлари бўлган, низоли жойни келиб қўришган ҳам. Ерга даъвогар сифатида ишни судга оширганлари ҳам, ишни А.Жумаев фойдасига ёпишга ҳаракат қилганлари ҳам бўлган.

Йил 16 ноябрда туман ҳокимининг “Обод” маҳалласидаги мавжуд сув иншооти ва артезиан қудуғи ҳамда сув иншооти эгаллаб турган жами 0,09 га ер майдонини Самарқанд вилоят “Сувоқова” ДУК Самарқанд филиали балансига ўтказиш тўғрисида” қарор чиққан.

“Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Самарқанд вилоят “Сувоқова” ДУК Самарқанд туман филиали (М.Турсунов)га юқорида қайд этилган мавжуд сув иншооти ва артезиан қудуғи ҳамда ушбу сув иншоотлар эгаллаб турган жами 0,09 га ер майдонини маҳалла фуқаролар йиғини аъзолари ҳамда тегишли ташкилот мутахассислари иштирокида жойида топшириш ва қабул қилиш далолатнома тузиш ҳамда назорат ўрнатиш вазифаси топширилсин...”, дейилади қарорда.

Туман ҳокими қарорининг қабул қилинган орадан салкам тўрт йил ўтаптики, аммо на маҳалла, на “Сувоқованинг туман филиали раҳбари қарор ижроси ҳақида ҳалигача ўйлаб кўрмаган. Ҳатто маҳалла ва мазкур ташкилот ўртасида топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ҳам имзоланмаган. Бунинг устига “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Самарқанд туман филиали бошлиғи С.Шарипов бу масаладаги бизга берган маълумотномасида Жумаевларнинг сув иншоотига алоқаси ҳақида гапирмай, маҳалла аҳли мурожаатида ҳатто номи тилга ҳам олинмаган Илҳом Мақсудов номли фуқарони айблаганга ҳаракат қилади.

Бу маҳалла оқсоқоли томонидан тузилган сохта далолатномага яна бир қўшимча далил эмасми? Ана сизга Самарқанд туманида фуқаролар мурожаати ва ҳужжатлар билан ишлашга бўлган эътибор. Мамлакатимиз Президенти одамларнинг ҳаётдан розилигини таъминлашни муҳим масала қилиб қўйгани ҳақида бу ерда ҳатто ўйлаб ҳам кўрилмаганидан далолат бермайдими?

А.Жумаев хатти-ҳаракатларидан, уни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри деб топган суд ҳукмидан норози бўлган маҳалладошлар яна “Чиқмаган жондан умид” қабилида иш тутишади. Улар туман Халқ қабулхонасининг “Обод” маҳаллада ўтказилган сайёр қабулида А.Жумаевнинг ўзбошимчилиги ҳақида мурожаат қилишади. Қа-

булхона сайёр қабули қарорига кўра туман санитария-эпидемиологик осойишталик маркази мутахассиси Р.Қурбонов, маҳалла фуқаролари Ш.Аҳмедов, А.Хусенов, Х.Ахроркуловлар иштирокида масала 2020 йилнинг 24 февралда жойида ўрганилади. Ўрганиш жараёнида “Сувоқова” ДУК Самарқанд туман филиалига (ҳозир “Самарқанд сув таъминоти”) МЧЖ Самарқанд туман филиали) қарашли ичимлик суви минораси атрофида 15 метр радиусда санитария ҳимоя ҳудуди қолдирилмаганлиги, минорадан 6 метр узоқликдаги 19 та хонадонга ичимлик суви борадиган қувур устига ҳаммом қурилгани аниқланади. Ичимлик сув қувури А.Жумаевга тегишли ҳожатхонадан 1,5-2 метр узоқликда жойлашган, бу ердаги ирригация ариғи кўмиб ташланган ва унинг устига ҳаммом, ўчоқ ва ҳожатхона қурилганлиги ойдинлашади.

Бундан беш йил аввал, 2015 йилнинг 7 апрелида айнан шу соҳада “Даштиқиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси З.Давронов, котиби Ж.Раҳмонқулов, “Обод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Усмонов, туман “ермулкадастр” хизмати ер тузувчиси З.Очиловдан иборат ўрганиш гуруҳи ҳам шундай хулосага келганди.

Иш вилоят прокуратурасига ҳам бориб етади. Бу идорадан 2020 йилнинг 28 декабрида жавобгарлар Абдуҳалим ва Холмурод Жумаевларга нисбатан сервитут белгиланган жойдаги ноқонуний қурилишларни буздирдиш ва 0,02 га ер майдонини “Обод” маҳалла фуқаролар йиғинига қайтариш ҳақидаги даъво талаблари фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро судининг 19.12.2017 йилги ҳал қилув қарори билан рад қилинган ҳақида жавоб келади. Шундан кейин эса Ш.Аҳмедов ва бошқа фуқаролардан иборат даъвогарлар Республика Олий судига назорат тартибда шикоят қилишади. 2019 йил 8 октябрда Олий суд томонидан эса “Даъвогар Шариф Аҳмедов ва бошқаларнинг шикояти бўйича суд ҳужжатларини назорат тартибда қайта кўриш учун асослар мавжуд эмас деб топилсин” мазмунидаги ажрим чиқарилади.

Бизнинг қўлимиздаги ҳужжатлар ҳақида шикоятчилар томонида эканлигига ишора қилаётгандек бўлади. Масалани жойида ўрганиш натижалари ҳам шундай фикрга ундайди. Лекин А.Жумаев ва унинг тарафдорлари ҳам бу масалада ўзларини ҳақ деб ҳисоблашади. Чунки А.Жумаевнинг қўлида ишни ўзининг фойдасига ҳал қилган суд ажрими ва эгалик ҳуқуқи ҳақидаги ҳоким қарори бор.

Маҳалла аҳлининг асосий қисми эса бу қарор ва ажримларнинг қабул қилинишига маҳалла оқсоқоли бошчилигида тузилган сохта далолатноманинг сабаб бўлаётгани, бу ерда бир кишининг манфаати кўпчилик манфаати устидан устун қўйилаётганини қайта-қайта такрорлашади ва ҳақиқатнинг қарор топиши борасида тегишли идораларнинг адолатли ечимга келишига умид қилади. Ҳақиқатда ҳам далолатнома сохта. Ана шу далолатнома неча йиллардан буён суд идоралари ва Самарқанд туман ҳокимлигини чалғитишмоқда. Эҳтимол, ушбу сохта далолатномани ҳам ўрганиб кўриш, уни тузишда айбдор бўлганларга ҳам ҳуқуқий жиҳатдан чора кўриш вақти келгандир!?

Абдурашул САТТОРОВ

ҚИСКА  
САТРАЛДАРДА  
ЎҚИҢ!

Тошкентда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича халқаро МДХ эксперт форуми ўз ишини бошлади.





# Кумушбибини уялтирган қизлар

Азалдан ўзбек қизи деганда, ҳаё-ибо тимсоли, самимият рамзи бўлган Нодирабегим-у Увайсийлар, Кумушбибилар кўз олдими-га келади, ва, алланечук, қалбимиз таскин топади. Афсуски, беш қўл баробар эмас экан-да! Гуруч курмасиз бўлмаганидек, баъзан ора-ора тийиқсиз қизлар ҳам учраб қолади. Албатта, ўзбек қизининг бировга мушт ўқталиб турганини кўриш (агар у спорт мусобақасида қатнашаётган бўлмаса) кишига эриш туюлади. Бироқ шунақаси ҳам бўларкан-да..

Ўттиз уч ёшни қаршилаётган, Андижон шаҳрида туғилган Муқаддам Баҳовиддинова илгари икки бор жиноят содир қилиб, хавфли рецидивист деб топилди. Аммо у бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, яна икки-уч дугоналари билан такроран қонунбузилиш содир этди. Бу қонунбузарлик ҳам кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалар эди. Ахир, қиз бола кап-катта йигитга мушт ўқталиб турса!

Кунлардан бирида Муқаддам ўзига таниш шахслардан бўлган Умрзоқ Ражабов исм-шарифли кимсага машина олишда ёрдам бериши учун 1000 АҚШ доллари миқдорига пул беради. Баъзида унинг гапи кўчага тўғри келиб қолади. Умрзоқ негадир бу ишнинг уйдасидан чиқмади. Кунлардан бирида йигитнинг Тошкент шаҳридан қайтиб келаётганини билган Муқаддам уни уйига таклиф қилди. Умрзоқ ҳам йўл юриб чарчаган эмасми, танишининг олийҳимматлигидан жуда мамнун бўлди. Қизнинг “бир пиёла чой ичиб ўтасиз”, деган таклифидан руҳланиб, унинг Андижон шаҳридаги даҳалардан бирида жойлашган кўпқаватли уйи сари машина рулини бурган Умрзоқ ҳали олдинда ўзини нималар кутиб турганини билмасди. У уй ичига кириши биланоқ, мезбон шартта чиқиш эшигини қулфлаб, калитни чўнтагига солди ва бу ҳолга жавобан агарда Умрзоқ ўшанда машина учун қиздан олган 1000 АҚШ долларини икки баробар қилиб қайтариб бермаса, бу уйдан соғ чиқмаслигини (?) шаъма қилди ва йигитга кутилма-

ганда ташланиб, унинг чўнтагидаги пуллар, шахсни тасдиқловчи ҳужжат, “Малибу” автомашинасининг техник паспорти – боринги, нима бўлса, барини шип-шийдам қилиб олиб қўйди. Ўзини эса, икки кун мобайнида ушбу квартирада тутқунликда қонунга хилоф тарзда ушлаб ўтирди.

Орадан бир ойча вақт ўтииб, кўчада кетаётган “Спарк” машинасини бошқа бир машина туртиб юборди. Албатта, “Спарк” бироз шикастланди. Автомашина Муқаддамга тегишли эди. Муқаддам дарров аввалги усулни қўллаб, машинасини туртиб юборган ака-укаларни ўз хонадонига олиб борди ва ўзи каби муқаддам судланган дугоналари билан бирга ҳаракат қилиб, ака-укага куч ишлатишди, машинани таъмирлаб берасан, 1000 АҚШ доллари берасан, деб, ука бўлмиш – Собир Маматовни ечинтириб, уни ҳақоратлаб, шаънини топтади. Талончи қизлар куршовига тушиб қолган ака-ука нима қиларини билмай, чуқур саросимада қолган эдилар. Хонадондаги машмашадан хабар топган Андижон шаҳар ва вилоятда хизмат қиладиган ички ишлар органи ходимларидан уч нафари воқеа жойига етиб келишди. Қарангки, талончи қизлар – Муқаддам ва дугоналари орган ходимларини ишига ҳам халал бериб, ака-укадан етказилган зарар учун 1000 АҚШ доллари миқдорига пулни ундириб беришни талаб қилдилар. Яна бир инспектор ҳам хона ичида қолиб кетди, Муқаддамнинг дугоналари инспекторга қаршилик кўрсатиб, унга пиёла-

ни отиб юборди. Хизмат кийимларини шикастлаб, куч ишлатди. Кўпқаватли уйдаги бу можаро тобора жиддий тус олиб борар, чамаси, жиноятчи дугоналарнинг жаҳл алангасини ўчирадиган куч мавжуд эмасдек эди. Инспекторлардан бири талончи қизлар ҳужуми сабаб, ўнг елка суягидан жиддий жароҳат олди. Унинг қонуний уринишлари, қизларни қайта-қайта инсофга чақириши беиз-бесамар кетди.

Бироқ, барибир, ҳар қандай жиноятнинг боши бўлганидек, охири ҳам бўлади, албатта. Зўравон дугоналар қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келди. Ўзгаларга куч ишлатган, ҳокимият вакилига таҳдид қилган бу дугоналарнинг таржимаи ҳолига назар ташланганида, аксари муқаддам судлангани ошкор бўлди. Гувоҳлар кўрсатмаси асосида, жабрланувчиларнинг эшитувлари асосида уларнинг қилмиши рад этиб бўлмас далиллар билан тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг турли модда ва бандлари билан айбли деб топилган Муқаддам ва дугоналари суд ҳукмига кўра, турли йилларга озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилдилар.

Савол туғилади, бу жиноят содир этилмаслиги мумкин эдими? Албатта. Бироқ начора тарбиядаги оқсоқлик, қизларнинг тақдирига ота-она ва яқинларнинг, атроф-муҳитнинг бефарқлиги сабаб, улар илк марта ва яна такрор суд курсисига ўтиришга мажбур бўлдилар. Балки, улуғлардан бирининг тарбияни она қорниданок бошлаш керак, деган ҳикмати мағзини ҳар бир ота-она чақса, теран тушуниб етса, юқоридаги каби жиноятлар содир бўлмас...

**Сарварбек БАҲОДИРОВ,**  
Андижон шаҳар прокуратураси  
терговчиси,  
**Икромжон МАНСУРОВ,**  
журналист



## Кутубхоначи — хазинабон!

Халқимиз онгига сингдириб ва бевосита ҳаётига олиб кирилаётган ташаббуслардан бири бу — китобга ошнолик. Ёшларимиздан тортиб, кесаларгача интелектни синовчи тадбирларда фаол иштирок этаётгани ҳам бунинг исботи.

### Маърифат

Хабарингиз бор, ўтган йилнинг охирида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ахборот-кутубхона аълоҳиси”-ги қарорни қабул қилган эди. Буни эшитган соҳа вакиллари ўзларидаги иқтидор ва жонқуярлигини яна бир бора намоён этишга киришди.

Меҳнатларнинг самараси ўлароқ, шу кунларда танловнинг ғолиблари эълон қилинди ва бу касб эгаларига бўлган ҳурмат янада ошди десак, муболаға бўлмайди. Инсон қайси жабҳада хизмат кўрсатмасин, рағбат кутади. Рағбат кутмай фаолият юритиш эса лоқайдликка йўл очishi мумкин.

Совриндорлар қаторидан ўрин олган Навоий шаҳар ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли 7532 ҳарбий қисм кутубхонаси раҳбари лавозимида ишлаб келаётган Манзура Жумаева ҳам меҳнатининг ҳосилини кўрганидан мамнун. Иш фаолиятини бошлагандан буён турли жойларда ишлашига қарамай, доим кутубхоначи бўлгани эса ҳақиқат қарор топганининг далилидир.

— Бизга кутубхоначи деб мурожат қилишди, — дейди у юқоридаги фикрларимизга илова тарзда. Бунга кўникиб кетганмиз. Аммо доим бир нарсани кўнглимдан ўтказар эдим. Биз аслида кутубхоначи ниқоби остидаги хазинабонлармиз.

Дарҳақиқат, одамнинг юриш-туришига қараб, хулоса чиқариб бўлмайди. Балки биз билан бир кўчада, бир маҳаллада яшаётган одам ҳаётнинг моҳиятини англаган бўлиши мумкин ва авлиёлар эътироф этгандек, одам қанча кўп билса, шунча жимликка берилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу кўрак нишони фақат зар сотиб олган одам бахтли эмас, балки заргар ҳам завқаланади ва ушбу матоҳда заргарнинг ҳам ҳаққи борлигини кўрсатиб берди.

### Обиджон РЎЗИБОЕВ



Самарқанд давлат университети томонидан 2003 йил 19 июнда Олимова Нигора Шерхоновна номига берилган В 117280 рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЭЪЛОС

ҚИСҚА  
САТРЛАРДА  
ЎҚИҢ!

Қийноққа солишдан жабрланган шахсларга етказилган зарарни компенсация қилиш тартиби ишлаб чиқилади.



Ўзбекистонда битта светофор ўрнатиш неча пулга тушишини биласизми? Унинг назорати қайси ташкилотнинг зиммасида? Шу каби саволларнинг жавоби сизга ҳам қизиқми? “Жамият” газетаси ушбу саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига мурожаат қилган эди. Қуйида шу каби берилган савол ва жавобларни ўқиб чиқишингиз мумкин.



## СВЕТОФОРнинг нархи қанча?

— Битта светофор ўрнатиш неча пулга тушади?

— Светофорларни харид қилиш, ўрнатиш ва сақлаш умумий фойдаланишдаги халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларида ҳудудий автомобиль йўллари қўмитаси, шаҳар кўчалари ва вилоят марказларига эса вилоят, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги махсус эксплуатация-монтаж бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Тегишли ташкилотлардан олинган маълумотларга кўра, республикамиз автомобиль йўлларидаги чорраҳаларга светофорлар ўрнатишга ўртача 100 миллион сўм атрофида, тартибга солинадиган пиёдалар ўтиш жойларига светофорлар ўрнатишга эса ўртача 60 миллион сўм атрофида маблағ сарфланади.

Бу нархни кўриб сизнинг ҳам “капалагингиз учиб кетган” бўлса керак. “Uzex” бюджет бюжетнинг электрон дўконда 2018 йил 2 августдаги маълумотга кўра “Светофор № 323037 ТМЗ” маркадаги светофорнинг бир донасининг нархи 2 миллион 25 минг сўм деб кўрсатилган. Янги сизни топиб бўлмади. Орадан 3 йил ўтиб 100 миллион сўмгача нарх ўзгариб кетиши мумкинми?

Светофорнинг нархлари чет эл онлайн харид дўконларида қандай эканлигига қизиқдик. “Made in China” онлайн харид дўконидан нархлар жуда ҳам арзон кўрсатилган эканлиги маълум бўлди. Яъни 45 АҚШ долларига ҳам 150 АҚШ долларига ҳам топилса бўлар экан. Ҳамма биландиган “Alibaba.com” сайтида ҳам нархлар 76 дан 180-200 АҚШ долларигача туришини кўриш мумкин.

— Светофор ички ишлаб чиқариш таркибидани ёки импорт шаклида четдан олиб келинади-ми?

— **Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3127-сон қарорига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича ташкилотлар учун йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник воситаларини ишлаб чиқариш фақат «Узавтойўлбелги» ДУК томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Ҳозирда светофор қурилмалари ЎзДСт 3485:2020 “Йўл светофорлари. Турлари ва асосий параметрлари. Умумий техник талаблар. Синов усуллари” давлат стандарти асосида ишлаб чиқарилади.

Жавобдан аниқлаштиришча, светофор ўзимизда ишлаб чиқарилади экан. Аммо унинг таркибий қисмлари қардан олиб келиниши ва ҳар бир деталнинг таннархи неча сўмда нархланиши бизга қоронғу.

— Светофор ўрнатилгандан кейинги ҳолатига қафолат қандай бўлади, яъни бузилса ёки яроқсиз ҳолга келса, кафилик қай тарзда амалга

оширилади? Умуман, қафолати ҳусусида маълумот берсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 10 апрелдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги ЎРҚ-348-сон қонунининг 7-моддасида Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатларига, шаҳарлардаги, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги кўчаларнинг, йўлчаларнинг ҳамда йўл ҳаракатини тартибга солиш воситаларининг, шунингдек шаҳар электр транспорти йўллари-нинг жиҳозланиши ва соҳа ҳолатда сақланишини таъминлаш ва 9-моддасида автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш ташкилотининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатларига ўзига қарашли автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун бу йўлларнинг соҳа ҳолатда сақланишини таъминлаш белгилаб берилган.

— Яроқлилик муддати қанча вақтни ўз ичига олади?

— Автомобиль йўлларида ўрнатилган светофорларнинг яроқлилик муддати 10 йилгача этиб белгиланган.

— Техник кўрикдан қанча вақтда ўтказилади? Мободо муаммо учраса, қанча вақтда бартараф этилади?

— Умумий фойдаланишдаги халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларида ўрнатилган светофорлар ҳудудий автомобиль йўллари қўмитасига қарашли бўлиб, шаҳар кў-



Тошкент шаҳар уй жойларга давлат ордерлари ва маълумотнома бериш маркази Давлат унитар корхонаси томонидан 2020 йил 12 июнда Валиев Ислам Исхакович номига берилган 1011-сонли маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи томонидан 1996 йилда Иззатуллаева Сайёра Нуманжановна номига берилган № 122405 (рўйхат рақами 317) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

чалари ва вилоят марказларида ўрнатилган светофорлар вилоят, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги махсус эксплуатация-монтаж бўлинмаларига қарашли бўлиб, светофорларни техник ҳолатини назорат қилиш юқорида айтиб ўтилган ташкилотлар томонидан доимий равишда кўрикдан ўтказилиб турилади. Агарда светофор қурилмаларида бирор муаммо юзага келса, юқорида айтиб ўтилган ташкилотлар томонидан бартараф этилади.

“Малика” савдо мажмуаси тарафдаги чорраҳа светофорининг мана шу суратдаги аҳволи 2 — 2 ярим ҳафта давомида на бир тузатиш, на бир текширувдан ўтказишдан ўтмаганига гувоҳлик беради. Чунки бу светофор анча пайт назоратга олинмади. Дастлаб у қийинайиб 1 ҳафтача вақт давомида бошқа томонга қараб турган бўлса, ундан кейин ҳавода осилганча икки ҳафтадан зиёда “бошини эгиб” турганди.

— Ким назоратга олади?

— Светофор қурилмаларини ҳудудий Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари, ҳудудий автомобиль йўллари қўмитаси ва маҳаллий ҳокимликлар назоратга олади.

— Светофорни олиб келиниши ёки ўрнатилишида тендер бўладими? Агар бўлса, қандай амалга оширилади?

— Светофорларни сотиб олишда ва ўрнатилишида тендер кўзда тутилмаган бўлиб масъул ташкилот томонидан харид қилиниб ўрнатиш ишлари амалга оширилади.

— Светофор ўрнатишда ўрнатиладиган жойга қандай талаблар қўйилади?

— Светофорларни ўрнатишда, авваломбор, транспорт воситалари, пиёдалар ҳаракатининг жадаллиги ўрганилади ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келган тақдирда ва кўриниш чекланмаган тик баландлик ёки нишабликдан, шунингдек, светофорни тақиқловчи ишорасида тўхтаган транспорт воситалари бошқа ҳаракат иштирокчиларига ҳалақат бермайдиган йўллarga ўрнатилади.

— Ўрнатишда сарфланадиган харажатлар қардан қопланади ва унинг назорати кимнинг зиммасида бўлади?

— Умумий фойдаланишдаги халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларида ўрнатилган светофорлар давлат бюджетидан режа асосида, шаҳар кўчалари ва вилоят марказларида ўрнатилган светофорлар учун харажатлар режа асосида маҳаллий бюджетдан амалга оширилади.

Достонбек БАХТИЁРЗОДА тайёрлади.



**Муассислар:**

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

**Бош муҳаррир**  
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ**

**Тахрир ҳайъати:**

Адҳам Бекмуродов  
Акмал Саидов  
Ақтам Ҳайитов  
Нарзулло Обломуродов  
Адҳам Икромов

Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-508  
Адади: 2016.

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

**Навбатчи:** Дилбар Маҳмудова

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
(71) 233-72-77,  
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
ЎзА куни:  
Топширилган вақти: 17:05  
1 2 3 4 5 6

**ҚИСКА САТРЛАРДА ЎҚИҢ!**

Олис ва чекка ҳудудларда жойлашган боғчаларга субсидиялар тўланади.



Наманган вилоятининг Чуст туманидаги “Баҳодир барака насл чорва” фермер хўжалигида ҳамкор ташкилотлар ходимлари иштирокида “Ўта хавфли куйдирги касаллигининг пайдо бўлиши ва тарқалишини олдини олиш” мавзусида ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Унда Давлат ветеринария хизмати, Фавқулодда вазиятлар, Соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Санитария эпидемиологик осойишталик маркази ходимлари иштирок этишди.

Тадбир давомида куйдирги касаллиги пайдо бўлганда унга қарши кураш ва олдини олиш бўйича ҳамкор ташкилотлар ходимлари томонидан амалга ошириладиган муҳим чора-тадбирлар юзасидан махсус-тактик ўқув машғуллари олиб борилди.



## Ижтимоий тармоқларда тарқалган муаммоларга ечим топилди




Ижтимоий тармоқларда Андижон вилояти Избоскан тумани “Юқори” МФЙда яшовчи фуқаро томонидан маҳалладаги товуқ инкубаториясига ихтисослашган корхонадан яроқсиз тухумлар ва ўлик товуқлар очиқ ҳудудга ташланиб, маҳаллани ифлослантираётгани тўғрисида хабарлар тарқалган эди.

Мазкур ҳолатни ўрганиш ва унга ечим топиш мақсадида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмита томонидан махсус штаб тузилди ва тумандаги “Sharq muynasi NKM Group” оилавий корхонаси раҳбари билан учрашиб, суҳбат ўтказилди.

Ўрганишлар давомида корхонада насли тухум йўналишида Черчешский, Доминант, Брама ва Қора зотли паррандалар парвариш қилинаётганлиги ҳамда ҳолат мазкур корхона томонидан содир этилаётганлиги аниқланди.

Шунингдек, ушбу ҳолат юзасидан корхона раҳбари Н. Баҳромовдан ветеринария-санитария қоидаларига риоя этган ҳолда фаолият юритиши бўйича тилхат олинди.



## Озиқ-овқат сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар



Ҳудудларда жойлашган деҳқон бозорларида аҳолига сифатли бирламчи маҳсулотлар етказиб бериш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Шунингдек, текширувлар давомида 857 кг чорвачилик маҳсулотлари, 1106 кг сут ва сут маҳсулотлари, 3700 дона тухум, 2100 кг ўсимлик ва полиз маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз деб топилиб, белгиланган тартибда зарарсизлантирилди.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси  
Ахборот хизмати



Хусусан, Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси тизимидаги ветеринария-санитария экспертиза лабораториялари томонидан ҳам деҳқон бозорларида озиқ-овқат маҳсулотлари сифати бўйича доимий назорат олиб борилаётганлиги таъкидланди.

Ўтган ҳафта мобайнида давомида пойтахт деҳқон бозорларида 19440 кг қорамол гўшти, 7210 кг майда шохли мол гўшти, 9190 кг парранда гўшти, 14860 кг сут ва сут маҳсулотлари, 345230 дона тухум, 8400 кг асал ҳамда 441680 кг ўсимлик ва полиз экинлари маҳсулотлари ветеринария кўригидан ўтказилди.